

АДИБНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

ЧЎЛПОН НАСРИДА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ ИФОДАСИ

Абдулла УЛУҒОВ

филология фанлари номзоди, доцент

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Чўлпон гарчи шоир сифатида машхур бўлса-да, лекин у ижодини ҳикоялар ёзишдан бошлаган. 1914 йилда босилиб чиққан “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоялари унинг дастлабки асарлари саналади. Чўлпоннинг уч жилдлик асарларининг иккинчи томига унинг “Кеча ва кундуз” романи, ўн учта ҳикояси, “Йўл эсдалиги” ва таржималари киритилган. Шоир, адиб, драматург сифатида ижод қилган Чўлпон И.Тургеневнинг “Чўри қиз”, Н.Гоголнинг “Иван Иванович билан Иван Никофорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти”, Л.Андреевнинг “Осилган етти кишининг ҳикояси” асарини, шунингдек, У.Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясини юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган.

Ҳақиқатан, Чўлпон ўзбек шеъриятига янгича руҳ олиб кириб, унда ҳар жиҳатдан жиддий ўзгаришларни бошлаб берган. У ўзбек адабиётида узок асрлар давомида ҳукмронлик қилиб келган аруз вазни билан ўзбек тили табиатига мос бармоқ вазнини ўзаро уйғунлаштириш асосида шеъриятда туб бурилиш ясаган. Фитрат ўзбек адабиётида аруз ва бармоқ вазнининг ўрни хусусида мулоҳаза билдириб: “Бизнинг тилимизга уйғун келатурган вазн, албатта, миллий вазнимиз бўлган бармоқ вазнидир. Бироқ эрон-араб таъсири остида аруз вазни ҳам адабиётимизга кирган, муҳим ўрин олган, муваффақиятсиз бир шаклда кенг суратда бу кунгача давом этиб келган. Сўнг кунларда ёш ўзбек адабиёти замонида ўз ўрнини яна бармоқ вазнига топшириб, орадан чекилмоқда. Аруз вазни арабникидир” деб таъкидлаган. (3, 28) Фитрат Чўлпон билан маслақдош, яқин кадрдон бўлса-да, унинг ижоди тўғрисида махсус мақола ёзмаган. Лекин “Адабиёт қоидалари”да икки ўринда Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикоясини яхши асар сифатида эътироф этган ҳамда адабий оқимларга тавсиф бераркан: “Рўмонтизм: санъат ҳар турли қайддан озоддир деган; кўнгил, туйғуни онгдан, тажрибадан юқори тутқон, идеализм кетидан югурган бир адабий оқимдир. Бу оқимдаги шоир-адибларнинг фикрларига кўра шеър фалсафа билан диннинг аралашмасидан иборатдир. Булар ҳам маънавий олам, ички дунёларга ишонадирлар, ўзларини севадирлар, ўз туйғуларига катта эътибор берадилар.

Бизнинг инқилобгача адабиётимиз бошдан-оёқ бир рўмонтизм тенгизидир. Рўмонтик форс адабиётидан озукланиб, шунга эргашиб борган чиғатой-ўзбек шоирларимизнинг ҳамалари рўмонтизм оқимларининг кишилари. Уларнинг бошқа адабий оқимларга асар беришлари ёлғуз шу оқимга бир-икки асар бермак учунгина бўлган. Асл санъатларини, туб хунарларини эса рўмонтизм майдонида кўрсатканлар. Янги шоирларимиздан рўмонтизмнинг улуғ намояндаси Чўлпондир” деган (3, 87). Фитрат замондош шоирларнинг ҳеч бирини бундай таърифламаган. Абдулла Қодирий эса “Тонг сирлари” шеърий тўпламига сўз боши ёзиб “Ўқувчини бу кунги Чўлпон билан танишдира олган бўлсам, ўзимни бахтли санар эдим” деган (8,261). Озод Шарафиддинов “Чўлпонни англаш” тадқиқотида Зариф Баширий шоирнинг биринчи тўплами—”Уйғониш”га ёзган тақризиди: “Чўлпон ўртоқ кейинги даврдаги ўзбек шоирларидан энг олдингиси ва чин маъноси билан шоир деб аталишга лойиқ бўлганидан унинг шеърларини чин адабиёт ва шеър кўзи билан кўриб, текшириш ва танқид қилишга яради... Чўлпон ўртоқ чин юрак ва ҳис шири” деган бўлса, Вадуд Маҳмуд шоирнинг “Булоқлар” тўпламига бағишланган тақризиди “Бу кунги ўзбек адабиётига янги бир тўн кийгизилди. Бу тўнни кийгизган одам Чўлпондир” деб таъкидлагани хусусида сўз юритади (6,18). Буларнинг барчаси Чўлпон ўзбек шеърлятида янги давр очган етук шоир эканидан далолат беради.

Чўлпон гарчи улкан шоир бўлса-да, аммо ўзбек адабиётини унинг насрий асарларисиз, хусусан, “Кеча ва кундуз” романисиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Чўлпоннинг ҳикоялари ҳамда романи унинг санъаткор адиб эканини намоеън этади. Чунки “Қор қўйнида лола”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояларида, “Кеча ва кундуз” романида ҳаёт воқелиги юксак бадиий маҳорат билан гавдалантирилади. Бу асарларда ҳодисаларни шоирона нигоҳ билан кузатиб, фалсафий идрок этиш яққол сезилади. Чўлпон: “Мен ўзим ҳар қандай насрли асарда (роман, ҳикоя) гўзал ташбеҳлар ва табиат тасвирларини яхши кўраман” дейди (4,70). Ҳақиқатан, унинг насрий асарларида турли ташбеҳлар кўп қўлланиб, табиат манзаралари, қаҳрамонларнинг қиёфаси, ҳолат ва кечинмалари чиройли ўхшатиш, сифатлашлар орқали таъсирчан тасвирланади. Шу боисдан улар худди гўзал шеър сингари таассурот қолдиради. Чунки адиб насрий асарларида воқеликни: “Қор қўйнида лола” ҳикоясидаги каби “Кичкина, қизил ипдан безалган тўп (капток) алжиб қочиб кетиб, ертўла оғилнинг деворига ёндашиб ўсган ёш қантак ўрикка бориб тегди-да, сакраб ҳовузга “шўп” этиб тушиб кетди... Тўп сувга шўнғиб кетиб, ҳовузнинг ўртасидан чикди ва қизларнинг ҳавасли, ўйноқи кўзлари олдида гердайиб, секингина суза бошлади” тарзида жуда жонли, тасвирлаб беради. (5,285-286). Табиийки, бундай ўринлар тасаввурда ҳаётнинг аниқ бир манзарасини намоеън этади ҳамда асарга қизиқишни кучайтиради.

Чўлпоннинг матбуот юзини кўрган дастлабки асари “Қурбони жаҳолат” деб номланади. 1914 йил 26 апрелда “Садои Туркистон” газетасида босилиб чиққан ушбу ҳикояда Туркистон “жаҳолат ва нодонлик уяси” эканлиги ҳақида нақл қилинади. Унда Эшмуродга ўхшаган ўқишга илм ўрганишга интиланган ёшлар мушкул аҳволда қолганини, эшон домланинг ўғли Мўмин сингарилар “ёшлигидан ўғрилиқга одат қилиб келгани”, мингбошидек амалдорлар ҳам газета ўқимаслиги, улар ахлоқий бузуқ бўлганидан “бесоқолни кўрганда газит ва сайловларни”–энг жиддий ишларни ҳам ёдидан чиқариб қўйиши баён этилади. Адибнинг “Дўхтир Муҳаммадиёр” ҳикоясида айни мавзуга янада чуқурроқ кириб борилади. Ҳикоя “Туркистоннинг қоронғу бир гўшасида” деб бошланади ва Хожи Аҳмад исмли олтмиш яшар бир камбағалгина сартарошнинг ўғли Муҳаммадиёрни “замона иқтисосинча ўқитмоқ” истагидаги саъи-ҳаракатлари, лекин у жаҳолатга тўла муҳит қурбонига айлангани, Муҳаммадиёрнинг отаси васиятига амал қилиб, тиришқоқлик билан ўқишга интилиб, “Петроград дорилфунуни”да таҳсил олиб, дўхтир бўлиб етишгани, “етти сана Исвейчарада очлик ва тўқлик, сабр ва сабот ила тажриба орттириб, кўп ўлкаларини Туркистондаги аҳвол билан таққослаб руҳан эзилишлари тўғрисида сўз юритилади. “Қурбони жаҳолат” билан “Дўхтир Муҳаммадиёр” таққосланса, адибнинг кейинги ҳикоясида ҳаёт воқелиги анча кенг ёритилгани аён бўлади. “Қурбони жаҳолат”да: “Бу бизнинг Туркистонимиз ғафлатдан уйғонурми? Йўқми? Биз бундай ҳолда бўлсак битамиз... инқироз топамиз... Укуғанларимизни кофирга ҳукм қиламиз. Аммо ўз болаларимизнинг одати ваҳшиёналарига деяр сўзимиз йўқдир. Биз бу ҳолда бўлсак, киши қаторига санамайлар. Ёвропалилардан одати қабихаларин касб қилурмиз. Аммо маданият, фунун ва саноиёларига кўз юмиб турурмиз. Биз одам бўлмаймиз... битамиз... инқироз бўламиз... Оҳ, жаҳолат!!!” дейилса-да, Эшмуроднинг жаҳолат ва нодонлик муҳити қурбонига айлангани кишига таъсир қилмайди. Аниқроғи, атрофдагиларнинг жаҳолатга ботганини, нодонлигини кўриб-билиб турган ва бундан куйинган ўқимишли Эшмуроднинг ноҳақ тухматдан кўп хафаланиб, ақлдан озиб, ўзини ўзи ўлдиришга қарор бергани ва бир тўппонча топиб, деворга хат ёзиб қолдириб, кўкрагига икки марта отгани ишонтирмайди. Лекин ушбу ҳикояни 16-17 яшар ўспирин йигитнинг битгани эътиборга олинса, унда ҳаёт воқелигининг бу қадар аниқ ифода этилгани кишини қойил қолдиради. “Қурбони жаҳолат”да ҳам, “Дўхтур Муҳаммадиёр”да ҳам Туркистон турмушининг энг оғриқли масаласи–жаҳолат фожиаси ҳаёт ҳодисасини аниқ гавдалантириш орқали очиб берилади. “Қурбони жаҳолат”да қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ўзаро мулоқоти содда ва аниқ ифодалаб берилади. У пайтда ўзбек адабиётида воқеаларни шу даражада аниқ ва тушунарли тарзда баён қилган ҳикоялар йўқ эди. Насрий асарлар эртак, ривоят, жангномалардан иборат

эди. Бу хусусида Фитрат шундай дейди: “Эски ёзғучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, жуда ифротга тушар эдилар: бир ҳикоя ёзганда “аммор уёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қиларларким” деб ҳикоя қаҳрамонларининг туғилиш кунидан бошлаб, ўлишига қадар бўлиб ўтган воқеаларни бир йўсунда, бир турли қилиб, қаторлаб тизар эдилар. Бу турли ёзилган ҳикоялар, дostonлар бир турли, бир тусда, ўзгаришсиз, ҳаракатсиз юруб боргани учун ўқувчиларни бездирар, мияга оғирлик қиладир. Бундан қочмоқ учун ҳикоя, рўмон, дostonларни кўринишлар, янги-янги фаслларда тузиш лозимдир” (3, 16).

Чўлпон дастлабки ҳикоясидаёқ “бўлиб ўтган воқеаларни бир йўсунда, бир турли қилиб, қаторлаб тизиш”дан қочиб, воқеаларни “турли кўринишлар, янги-янги фасллар”га ажратади. “Қурбони жаҳолат”да Эшмуроднинг Мўминжонни кутиб олиши, Мўминжонни Эшмуродни алдаб сандиққа солинган соатни ўғирлаб олиши воқеаларини баён этиб, икки ўртокнинг суҳбатига эътибор қаратади. Кейин ҳикоя сюжетида Эшмуроднинг отаси ва отасининг дўсти Назарали сўфини “жалб этади”. Уларнинг мулоқотини маълум қилиб, дунёқараши торлигини шу орқали кўрсатади. Эшмуроднинг илм ўрганишга қизиқишини, газета ўқишини, лекин бунга атрофидагилар монелик қилишини таъкидлайди. Туркистон аҳли жаҳолат ва нодонликда қолганини билдириш мақсадида мингбошини газета ўқиёлмаслиги, ахлоқий бузуклиги, “бесоқол мингбошининг қозуқда осилиниб турган соатини ўғирлаб кўйнига ургани, Эшмурод эса тухматга қолганидан азобланиб, ўзини отгани, “бир-икки ойдан кейин соат ўғирлаган бесоқол боланинг уйига ўғрилар кириб ушлангани” оқибатида ҳақиқат очилганини содда тушунарли услубда ёзади.

“Қурбони жаҳолат”да воқеаларнинг баён этилиш услуби Чўлпоннинг адабиётдаги анъаналардан қоникмай, янгиликка интилганини намоён этади. “Дўхтур Муҳаммадиёр”да бу интилиш янада аниқроқ кўринади. “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида жаҳолат ва нодонлик муҳити бир мунча кенг ёритилади. “Қурбони жаҳолат”да Эшмурод, унинг отаси, отасининг дўсти, Мўминжон, мингбоши, бесоқол бола–жами олти нафар персонаж иштирок қилса, “Дўхтур Муҳаммадиёр”да асосан битта қаҳрамон – Муҳаммадиёрнинг кечмиш-кечирмишлари баён этилади. Ҳикоя аввалидаги воқеаларда камбағал сартарош ҳожи Аҳмад ҳам иштирок этади. Бир ўринда Муҳаммадиёрнинг “ўзига тарбияи бадания таълими берган” рус офицери Пётр билан, яна бир ўринда унинг уйини ижарага олган рус кишиси билан қисқа мулоқоти ҳам берилади. Чўлпон ҳикояда Муҳаммадиёр қиёфасида тўлақонли бош қаҳрамон образини яратишга эришади. Муҳаммадиёр “Қурбони жаҳолат”даги Эшмурод сингари ҳалок бўлмайди. У отасининг интилиши ҳамда ўзининг астойидил ҳаракати туфайли жаҳолат ва нодонлик муҳитини тарк этиб, илм ўрганиб, дунё кўради,

мақсадига эришади. “Қурбони жаҳолат” қаҳрамони эса отасининг омилиги туфайли “Русия мактабларининг бирига кируб ўқиш” орзусига эришолмай жувонмарг бўлади. “Дўхтур Муҳаммадиёр”да қаҳрамоннинг кечинмалари эҳтирос билан баён этилади. Ҳикоянинг айна ўринларида муаллифнинг шоирона нигоҳи, воқеликка жўшқин муносабати яққол сезилади. “Қани уч-тўрт йил аввал Исвейчарада, Францияда, Италиёда, хусусан Алп тоғларида кўрилган латифликлар? Қани Алп тоғлари устида ишлаб топган пулига ва дунёсига тўй қилмай, улоқ чопдирмай, бачча ўйнатмай, эшон ва муллаларга ва қорни йўғонларга тўн кийгузмай суюкли ўғлини ўқутган ва тарбия қилган Исвейчара қишлоқлари? Қани етти-саккиз қаватлик зийнатли тоғлар қадар хоналар? Ҳозир онлар йўқ! Они ўрнига пасгина хашак ва лойдан ясалган бинолар ва онларда сафил (қашшоқ) бир ҳолда яшаган мусулмонлар! Топганин бачча, улоқ ва ичкулукка ҳам домла-эшон ва бойларга шалдуратиб тўн ва зарбоблар берган, бойлар қўлинда кул ҳукмида бўлиб юрган ўзбеклар, козоклар, туркманлар ва ҳаммаси мусулмонлар...” дейилади.

Адиб “Дўхтур Муҳаммадиёр”да ҳам, бошқа ҳикояларда ҳам воқеликка шу тарзда ошкора муносабат билдиради. Уларда қаҳрамонлар теварак-атрофдаги воқелик тўғрисида куйинчаклик билан мулоҳаза юритилади. Кишиларнинг замонавий илмларга, тараққиётга интилмаслигидан, маишатпарастлигидан изтироб чекади. Бошқа миллатлар билан элдошларининг аҳволини таққослайди. “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида: “Истансада бир ғариб манзара эдики, Муҳаммадиёрнинг кўнглини бузмокқа бошлади: бир мусулмон хуржун йўқотган! Бири боратурған истансасини номини билмай, бошқа истансага билет олиб қўйғон... ва шунга ўхшаш даҳшатли манзаралар олдида Муҳаммадиёр қотуб қолди. Ниҳоят, иккинчи зуванўк урилганда, чиқуб учунчи класдан жой топиб ўлтирди. Ҳалиги кўрқинч манзаралар унда андин ҳам зиёда ҳукм сурмокда эди: бир мусулмон бириси билан урушиб, бурни қонаған, бир мусулмонни пўезд маъмурлари тутиб олиб урадилар... Муҳаммадиёр чидаёлмади. Пўезднинг ташқарисига чиқуб, тикка туруб истансани томоша қила бошлади. Бир армани Қофқознинг қоронғу гўшаларидан келуб, истансада дўкон очуб, бой бўлиб, икки ўғлини ҳукумат мактабларида тарбия қилмакда... Ва ерли мусулмонлар эса топкан пулларини тўйга, жанозага сарф қилуб, фақирликда, хорликда қолмокда эдилар” (5, 273–274). Мазкур ҳикоянинг ўзига хос жиҳати ҳам ижтимоий ҳодисаларни таққослаб, миллатдошлари аҳволига ачинадиган фаол қаҳрамон образи яратилганида кўринади. Муҳаммадиёр “Қурбони жаҳолат” қаҳрамони Эшмурод сингари “оҳ-воҳ” қилиш билан кифояланмай, ўқишга, билим олиб, бошқаларга ҳам нафи тегадиган мутахассис бўлишга ҳаракат қилади. У дўхтр бўлиб етишганидан кейин ҳам малакасини оширишга интилади. Шу мақсадда чет мамлакатларга боради. Билимини ошириб, дунёқарашини оширади.

Дўхтирлик қилиш билан чекланиб қолмасдан, “роман” ва “театру китоби” ёзиб, миллатдошларининг ачинарли аҳволини кўрсатиб, уларга ўқиш, билим олиш орқали жаҳолатдан қутулиш мумкинлигини таъкидлайди. Ҳикоянинг айна ўринларида Муҳаммадиёр миллатпарвар фидойи жаҳид эканлиги кўринади. Муҳаммадиёр миллатдошларининг маърифатсизлик туфайли маънавий мажруҳ бўлиб қолгани, шу боисдан улар умрини турли расвогарчиликлар билан ўтказаяётгани, замонанинг илғор ўзгаришларига бепарво эканидан ўкинади. Мусулмонлар дабдабали тўй қилиш, қиморбозлик, баччабозлик сингари шариатда таъқиқланган турли бузуқчиликлар билан овора эканлигини ўйлаб изтироб чекади. Ҳикоянинг айна ўринларида воқеалар хусусида қаҳрамон эмас, муаллифнинг мулоҳаза юритаётгани яққол билиниб туради. “Қор қўйнида лола” ҳикояси эса бу жиҳатдан бир мунча фарқ қилади. Унда Чўлпон “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясидаги сингари маърифатдан бебаҳралигидан мусулмонлар жаҳолатда қолгани, европаликлар эса илм-маърифатга интилгани туфайли тараққиётга эришган дея воқеликни таққослаб тушунтирмайди, туркистонликларнинг турмушини муҳокама қилиб ўтирмайди. “Қор қўйнида лола” ҳикоясида адиб воқеликни образлар орқали кўрсатади. У холис туради. Ниманидир оқлаб, ниманидир қораламайди. “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоялари таълимий-ташвиқий ҳарактердаги асар эканлиги яққол билиниб туради. Уларда турмуш ҳодисалари содда, жўн баён этилиб, жаҳолат, нодонлик қораланади. Ҳодисалар “Қор қўйнида лола” ҳикоясидаги сингари ўзига хос деталлар асосида кўрсатилиб, қаҳрамонлар портрети, хатти-ҳаракатлари аниқ чизиб берилмайди. Ушбу ҳикоялардаги персонажларнинг қиёфаси мавҳум. Ҳар иккала ҳикоя “Қор қўйнида лола”га нисбатан композиция жиҳатидан ҳам анча содда. “Қурбони жаҳолат” ва “Дўхтур Муҳаммадиёр”да воқеалар тавсифланади, “Қор қўйнида лола”да эса тасвирланади. Уларнинг матни таққосланса, воқеаларни тавсифлаш билан тасвирлаш бошқа-бошқа нарса эканлиги, улар бир-биридан тамоман фарқ қилиши аён бўлади. “Қор қўйнида лола” ҳикояси образлилик унинг номланишидан бошланади. Адиб воқеаларга бирор бир ўринда аралашмасдан уларни аниқ чизиб кўрсатади. “Қор қўйнида лола” адибнинг бошқа ҳикоялари билан қиёсланса, унда тасвирнинг бадиийлиги, диалогларнинг пишиқ-пухталиги аниқ билинади. Ушбу ҳикояда воқелик жонли, тиниқ тасвирланиб, қаҳрамонларнинг портрети, хатти-ҳаракати кечинмаси таъсирчан гавдалантирилади. Ҳикоя композицияси ҳам муаллифнинг маҳорати ўсганлигини билдиради. Фитрат ҳам буни таъкидлайди. “Ҳикоя, рўмон, дostonларни турли кўринишлар, янги-янги фаслларда тузиш лозимдир. Мисол учун Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” деган ҳикоясини олингиз. Буни эски шаклда ёзмақчи бўлганда “Андоқ ривоя (т) қилурларким” деб бошлаб, “Самандар ака бор эди, унинг қизи бор эди, бири қизига совчи юборди...” деб

воқеаларни қаторлаб тизиб, асарни битирган бўлар эди. Бироқ Чўлпон бундай қилмаган. Мундарижани янги-янги тўрт фаслга, тўрт кўринишга бўлган: тўб ўйуни, шайх, тўй, одамларнинг бу тўй тўғрисидаги фикрлари. Ҳамда ҳикоянинг Самандар аканинг қизи тўғрисида бўлганини сездирмасдан қизларнинг тўб ўйунларини жуда усталик билан тасвир этишга киришган” дейди у (3, 16).

Адибнинг аввалги асарларидан тубдан фарқ қиладиган “Қор қўйнида лола” ҳикояси қаҳрамонларининг ҳар бири ўзига хос тилда сўзлайди. Улар жонли, халқона тилда гапирди. Қаҳрамонларнинг нутқи ҳикоянинг бадиий тўқимасига сингиб, занжирнинг зарур ҳалқасига айланади. Ҳикоянинг биринчи фаслида Шарофатхон ва дугоналарининг тўп ўйнаб ўтиргани, тўп сувга тушиб кетгани, ҳўл тўп билан ўйнаб бўлмаслигидан қизларнинг диққат бўлиб қолгани ва шу пайт кичкина бир қизча югуриб келиб опсига нимадир дегани, қизларнинг тусмоли Шарофатхоннинг бу гапдан қотиб қолгани маълум қилинади. Бу воқеда асосий қаҳрамондан ташқари Тожи қассобнинг қизи Турғунбуш, Абдулла жаллобнинг қизи Тўтихоннинг синглиси Фазилат, Эшмат қоровулнинг қизи Тиллахон, Салтанат иштирок этади. Уларнинг гап-сўзларида ёш қизларга хос беғуборлик, самимийлик сезилади. Улар учун тўп ўйини мароқли, завқли. “Ҳу ўла қолсун, тўп ўйинидан ҳам яхшиси борми?” дейишади. “Сув билан шалаббо бўлган тўпни Шарофатхон олади-да, “ҳу қочмай ўлгин, тутилдинг-ку!” деб ерга уради. Унинг бу ишига Абдулла жаллобнинг қизи Тўтихоннинг аччиғи келади, дарров бориб, ердан тўпни олади ва :“Ҳой, бунда нима ёзиқ? Бунинг жони бўлмаса... ўзингиз тушириб, бу бояқишни тагин қарғайсизми?” деб тўпни сувда чайқаб олғандан сўнг, лабини тишлаб, бор кучи билан сикмоққа бошлайди” (5, 286). Ҳикоянинг бу каби ўринлари адибнинг халқ тилини жуда яхши билишини, воқеликни оддийгина қилиб англата олишини намоён этади. Қаҳрамонларнинг гап-сўзлари қочиримларга бой, образли. “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр”га қиёслаганда “Қор қўйнида лола”нинг тили ярқирайди. Унда чиройли қочиримлар, таъсирчан ифодалар талайгина.

Ҳикоянинг иккинчи фаслида Самандар аканинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати тўғрисида сўз юритилади. Ушбу қаҳрамон муайян маънода ёзувчининг “Кеча ва кундуз” романидаги Раззоқ сўфига ўхшайди. Самандар ака ҳам, Раззоқ сўфи ҳам мутаассиб. Улар эшонга сиғинишади. Эшоннинг ҳар бир сўзи, истагига итоат қилишни ўзлари учун шараф деб билишади. Чўлпон “Қор қўйнида лола “ ҳикоясида мутаассиб кимсалар маънавий мажруҳлигини тушунтириб, таҳлил қилиб, исботлаб ўтирмайди. Бунинг ўрнига :” Самандар ака уйига келгунча кўнглидаги туйғулар билан тортишиб келди. Ўзининг пири ва устозига тузуккина, каттагина, иложи бўлса бошқа муридлар бера олмагон бир нарса бермакчи эди. Бироқ уйда арзигудек бир нарса йўқ. Арзийтурғон нарсалари бўлса барчаси қарзга кеткан... Кўп ўйлади, бироқ ҳеч бир нарсага кўнгли қарор

топмади. Кўнгли оғриди, бир замонғи бойликлари, давлатлари эсига тушди: ола кашқаси, тўрук йўрғаси, бўйи тевадек масков зовуд оти... уч фойтун ер-суви... Унча-мунчани беришни ўзига эп билмади. Бошқа назрларни босиб кетгудек бир нарса беришга ўйлар эди” дея унинг кечинмаларини маълум қилиб қўя қолади. (5, 288). “Қурбони жаҳолат” ва “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояларида муаллифнинг қаҳрамонларга муносабати аниқ билиниб туради. У Эшмурод (“Қурбони жаҳолат”га ачиниб, Муҳаммадиёр (“Дўхтур Муҳаммадиёр”)га эса эҳтиром билан қарайди. “Қурбони жаҳолат”даги Мўминжон, Эшмуроднинг отаси, мингбоши, бесоқол боланинг маърифатдан бебахралигидан куйинади.”Дўхтур Муҳаммадиёр”да Муҳаммадиёрнинг отаси ҳамда гарчи номи айтилмаса-да, илм олишида унга хайрихоҳ бўлиб кўмаклашганларга эҳтиромини яширмайди. Уларнинг ишини маъқуллайди. Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳикояларга Чўлпон воқеаларни воиз бўлиб нақл қилади. “Қор қўйнида лола”да эса муаллифнинг қаҳрамонларга муносабати таг матнда туради. Буни қаҳрамонларнинг қайси жиҳатлари кўрсатилгани асосида аниқласа бўлади. Муаллиф Шарофатхонга меҳр, унинг онаси Қумрибушга нисбатан ўқувчида ачиниш ҳисси уйғотади. Чунки унинг ўзи уларга шундай қарайди. Шарофатхоннинг дугоналари билан тўп ўйнаши, унинг сувга тушиб, шалаббо бўлган тўпни қўлига олиб “Ху қочмай ўлгин, тутулдинг-ку!” деб ерга уриши, совчи келганини эшитганида “қип-қизариб, турган ерида қотиб қолғон”и, эри “Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдик, садағалари кетсун!” дегил!” деганини эшитган Қумрибушнинг кутулмаган бу гапдан оқариб, кўкариб, сувратдек қотиб, деворга суялиб қолиши “саҳна”лари шундан далолат беради.

Ҳикояда Шарофатхон Самандар аканинг битта-ю битта қизи эканлиги, у эндигина ўн етти ёшга чиққанлиги таъкидланиб; “Бу қиз шу тегранинг кўрклиликда, чеварликда, шўхлик ва ўйноқиликда битта-ю биттаси эди. Маҳалла-кўйнинг ўспурунларидан иккита-учтаси бир ерга йиғилсалар, топғон-тутғонлари шул Шарофатхон масаласи бўлур. “Бу қиз қайси худо ярлақағонники бўлар экан? Кимнинг уйини обод қилар экан?” деб бош оғритарлар эди” деб таърифланади. Қаҳрамоннинг бу каби жиҳатларига алоҳида урғу берилиши муаллифнинг унга эҳтиромини англатади. Самандар аканинг эса “илгаридан от чиқарғон бир савдогар” бўлгани; аммо “ўзғон (икки йил аввал) баҳорда синғон”и, бор-йўғини қарзига сотиб берганидан сўнг, жуда сўфи бўлиб, эшонларникида чувалашиб қолғон”и маълум қилиниб, унинг айни пайтдаги ахволи тўғрисида: “Эрта билан сахарлаб эшонникига кетар, зикр бўлса-бўлмаса, эшоннинг ишини қилиб, кечқурун шомлатиб уйига келар эди. Уйига келгандан сўнг ҳам бир қошиқ қуюқ-суюғи бўлса тотиниб, малла жойнамозининг устига чиқиб ўлтуриб, қаҳрабо тасбеҳни неча давр айлантириб “вазифа”ларини ўқур, сўнгра то ярим кеча-сахаргача хўнгур-хўнгур йиғлар эди...” дейилади. (5,287).

Шарофатхоннинг отаси умидсизланиб қолганидан эшоннинг таъсирига берилгани, шу тарзда очиб берилади. Буни яна чуқурроқ асослаш мақсадида “Эшонникида катта ва қизғин бир зикр бўлгани, эрта билан бамдоддан сўнг бошланган “зикр” хуфтонга яқин зўрға тугагани, бир неча киши ўзидан кетиб у ер-бу ерда юмаланиб қолгани, ёнғон (жуда кучли жазавага тушган) сўфилардан бир-иккитаси “жазава”нинг ортиғлиғидан бориб, ўзларини ҳовузга ташлагани, бири кўй етаклаган, бири нон кўтарган, бири кийим-сарпо олиб келган кишилар, назрларни олиб, ҳазрат эшоннинг кучоқ-кучоқ дуоларини хонақоҳдан чиқариб турган сўфининг кулиб Самандар акага: “Ҳа, бой ака назрдан дарак борми?” дегани айтилади. Қахрамоннинг бу тарзда кўрсатилиши муаллифнинг унга ачинишидан келиб чиқади. Ҳикоянинг ўн еттига тўлмаган Шарофатхон ҳақидаги ўринларида қувноқ, “Синғон” Самандар ака билан боғлиқ нуқталарида эса ҳазин, мунгли оҳанг сезилади. Айни оҳанглар ҳам муаллифнинг қахрамонларга муносабатини билдиради.

Муаллифнинг Шарофатхоннинг онаси Қумрибушга муносабати тағматнда туради. Адиб бу қахрамонда эрига итоатгўй аёлларнинг умумлашма образини гавдалантиради. “Ўзининг пири ва устозига тузуккина, каттагина, иложи бўлса бошқа муридлар бера олмаган бир нарса бермоқчи бўлиб юрган Самандар ака энди ўн еттига чиққан битта-ю битта қизини икки хотини бор эшонга тутдик, садағалари кетсун!” деганида Қумрибуш “Ҳазрат эшоннинг қариб қуюлмағон, ачиб суюлмағон” эканини билгани ҳолда, эрига бир оғиз эътироз билдирмайди. Лекин у қизининг эшонга узатилишини асло истамайди. У “Энди эшоннинг ўзлари ҳам “қариб қуюлмағон, ачиб суюлмағон”лар... дея иккита хотинлари устига тағин бу...” дейишдан нарига ўтолмайди. Адиб Шарофатхоннинг онасига муносабатини унинг ҳолатини “Қумрибуш кутилмаган бу гапдан оқарди, кўкарди сувратдек қотиб, деворга суялиб қолди” деб кўрсатиш орқали билдиради. Киши иложсиз қолганида шундай ахволга тушади. Қумрибуш ҳам эрига қарши чиқолмайди, ўзи истамаган ҳолда, унга итоат қилади. Ҳикояда икки хотин устига учинчи қилиб, кекса чолга узатилаётган ўспирин қиз Шарофатдан ҳам бир оғиз розилик сўралган-сўралмагани хусусида ҳеч нарса дейилмайди. Муаллиф бу билан хотин-қизларнинг эрки, инсонлик шаъни, қадри топталган муҳит шундай чиркин эди, демоқчи бўлади.

Ҳикоядаги эшон образи бошқа қахрамонлардан тамоман фарқ қилади. Кишиларнинг соддалиги, ишонувчанлигидан ўз манфаати йўлида усталик билан фойдаланадиган эшон кишини ижирғантиради. Чунки муаллиф унинг образини нафрат билан чизади. Буни эшоннинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатларини кўрсатиш орқали ифодалайди. “Эшон қутлуғ бошларини қуйи солиб, “сукут”га кетганлар”; “Бир вақт оппоқ соқолли, қари бўшашғон бир чол (куёв тўра) устига зарбоб тўн кийиб, катта ўрама белбоқ боғлағони ҳолда, бирмунча оқсоқол

муридлари ўртасида секингина судралиб аравага яқинлашди”; “Чол титрак қўлларини аравага узатиб, қизни кўтарди ва бир-икки одум босғондан сўнг ерга қўйди” дейди. Ўқувчиларга “Оппоқ соқолли, қари, бўшашғон”, “секингина судралиб”, “титрак қўлларини аравага узатган” бу кимсанинг қилган иши тўғрисида сиз қандай фикрдасиз, демоқчи бўлади.

Ҳикоянинг учинчи фаслида тўй тафсилотларини кинояли оҳангда тасвирланади. Кишиларнинг ҳодисаларга бефарқлиги, ёш қизнинг кекса чолга узатилишига барча томошабин, иштирокчи бўлиб ўтирганига эътибор қаратилади. Одамларнинг бу ғалати табиатини “Ўн-ўн беш аравага тўлғон хотинларнинг тартибсиз “ёр-ёр”лари дунёни бузиб, кўкни кўтариб борар эди. Сандиқ, кўрпа, гилам, тугун ва бошқа нарсалар юклаган ва юклар устига яна битта-иккита кампир ўтқизган аравакашлар илгаригидек бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар эдилар” дея кўрсатилади. Тўйга келганлар “Бўш келмадилар тақсирим! Ҳали беллари бақувват экан тақсиримнинг!” дея чувиллашиб эшонга яхши кўринмоқчи бўлишгани таъкидланади. Фасл “Бу шовқин, қий-чув, тўполон ярим кечага бориб тўхтади. Ҳалиги томоша ўрни бўлган кўчада кишилар ариб, қоп-қоронғи, жим-жит бир гўристонга айланди” деб тугалланади. Адиб бу билан жаҳолатга ботган муҳит қоп-қоронғи, зулматдан иборатлигига ишора қилади. Аёнки, қоп-қоронғи жойда ҳеч нимани кўриб бўлмайди. Жаҳолат авжланган муҳитда ҳам кишилар маънавий мажруҳга айланиб, турли тубанликларга кўникиб, одатланиб қолади. Шарофатхоннинг қисмати бунга мисол бўла олади. Унинг ота-онаси “оппоқ соқолли, икки хотинли, қари, бўшашғон бир чол” бўлса-да, лекин эшон эканлиги учун энди ўн-еттига тўлган битта-ю битта қизини унга беришни ўзлари учун обрў, мартаба, шараф деб билишади. Ҳикояда бу хусусда: “Самандарбой бир ёш қизини, бир эшонни бояги назр-ниёз масаласини, энг сўнг кимсан ҳазрат эшонинг куёвликларини ўйлаб турди-да: “Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдиқ, садағалари кетсун!” дегил!-деди” дейилади. Фитрат “Қор қўйнида лола”нинг гўзал ҳикоя эканини эътироф этгани холда унинг сўнги фасли тўғрисида: “Чўлпонинг ҳикоясидаги тўртинчи кўриниш, яъни: икки йигитнинг кўчада тўй тўғрисида гапуришлари, қоровулнинг-да уларга қўшилиши ортиқча бир фаслдир. Ҳикоя учинчи фаслда битирилса эди, қоровул тилида онглашилмоқ истанилган эди. Сўзлар очиқ онглашилган бўлар эди. Ҳикоянинг таъсири ҳам ортган бўла (р) эди” деб ёзади (3, 17). Аслида эса муаллиф айни фаслда кишиларнинг соддалиги, ишонувчанлигини суиистеъмол этиб, турли расвогарчиликлар қиладиган шариат пешволарига нафратини сочади.

Адиб ушбу фаслни балки ўша замон кишиларининг савиясини назарда тутиб қўшгандир. Бу фаслда икки йигит ва Мамат қоровул иштирок этади. Тўй тугагач, икки йигит эшоннинг эшигидан чиқиб келгани маълум қилинади-ю,

лекин уларнинг номи айтилмайди. Ҳар иккаласи Шарофатхонга ачинади. Унинг отасидан ранжишади. Бири “Мен қизга ачинаман, бояқш келиб-келиб кимники бўлди-я!..” деса, иккинчиси “Нимасини айтасан, отасининг уйи куйсун, одам эмас экан!” дейди. Йигитлар эшондан қаттиқ нафратланишади. Улар юлдузсиз қоп-қоронғи кечани эшонбобонинг кўнглига ўхшатишади. “Соқолини оппоқ тутадек (пахтадан ип йигиришда тайёрланадиган пилта) қилиб, неварасидек бир қизни аравадан олишини қара, киши чидамас экан” дейишади. Уларнинг бу хусусдаги муҳокамаси шу тарзда давом этса, табиийки, одатдаги жўн гаплардан нарига ўтмасди. Муаллиф муҳокамага кескин тус бериш мақсадида: “Шу чоқ бир бурчакда кўча пойлаб ётгон Мамат қоровул йиғлағандай қилиб, ҳуштагини чалиб олди-да” деб воқеалар жараёнига яна бир қаҳрамонни жалб этади. Адиб бу билан сюжетда ўзига хос янги бурилиш ҳосил қилади. Чунки асарларнинг сюжетидаги турли бурилишлар, одатда, “шу чоқ”, “шу пайт”, “кутилмаганда”, “тасодифан”, “бирдан” деб бошланади ҳамда воқеалар тармоқланиб, янги иштирокчилар майдонга чиқади ва воқеаларга шу асосда мураккаб тус олади. Муаллиф эшондан барча норози экани, лекин унга қарши ҳеч ким бир нарса қилолмаслигини “йиғлағондай” дея таърифлайди. Ҳикоя якунида кўринган қаҳрамон нафақат маишатпараст эшонга, балки ҳаётдаги барча адолатсизликларга қарши норозилигини билдириб: “Нимасини айтасиз, йигитлар, дунё ўзи шундай тескари дунё экан... Лоланинг устига қор ёғди!” дейди. Маълумки, лола қишнинг совуқ, қорли кунлари ўтиб, кўклам кириб келганда ўсиб чиқади. Дала-дашт, тоғу тош, боғ-роғларни гиламдай қоплаган қип-қизил лолалардан дил яйрайди. Кўзни қувонтирадиган ана шу лолалар устига тўсатдан совуқ бошланиб, қор тушса, улар бир зумда сўлиб, қорайиб, ер билан битта бўлиб қолади. Чунки лолалар жуда нозиклидан совуққа, қорга бардош беролмайди. Дашту дала, тоғу-тош, йўл бўйларида ўсадиган лолаларни совуқдан, қордан ҳеч ким ҳимоя ҳам қилолмайди. Чўлпон жаҳолат ва нодонлик муҳитида инсон қадри, эрки, ҳақ-ҳуқуқлари топталиши, айниқса, аёллар ҳаддан ташқари таҳқирланиши, бундай жойда адолат бўлмаслигини қаҳрамон тилидан образли ифодалайди.

XX аср машҳур мутафаккири Абдурауф Фитрат ва улуғ шоир Чўлпон қадрдон бўлишган. Чўлпон ҳам Фитратни устози деб билган. Фитратнинг “Юрт қайғуси” шеъри таъсирида Чўлпон ҳам шу номли шеър ёзгани Чўлпон Фитратнинг “Чин севиш” асари асосидаги спектаклга тақриз ёзиб уни “ўзбек саҳнасининг улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал бир томоша (пиеса)си “ деб таърифлаган (4, 73). “Кеча ва кундуз” романи муалифи ўз устози Фитратни “улуғ адибимиз”, “сўз устаси” деган (4,76). Фитрат ҳам тадқиқотларида ўзига замондош шоир, адиблардан кўпроқ Чўлпон ижодига мурожаат қилиб, унинг асарлари тўғрисида ижобий фикр билдирган. Жумладан “Бизда бурунғилардан

Навоий, Бойқаро, Бобур, Лутфий, Машраб кабиларни “лиризм”нинг энг катта кишилари санайдилар. Уларнинг ғазаллари “юракчилик – лирика” шеърларининг энг гўзал намуналаридир. Янгилардан эса “лирика”нинг энг яхши намуналарини бизга Чўлпон билан Боту берадир. Чўлпоннинг “Кел бери”, “Виждон эрки”, “Нима?”, “Кетганигда” деган шеърлари билан Ботунинг “Тўлқуним”, “Умид сўзлари”, “Юрак тўлқини”, деган шеърлари “юракчилик–лириканинг чиройли меваларидир”; (3, 79) “Янги шоирларимиздан рўмонтизмнинг улуғ намоёндаси Чўлпондир” деган (3,87). Фитрат Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикоясини ҳам, юқорида таъкидлаганидек, энг яхши асар сифатида баҳолаган. Аммо Фитрат ва Чўлпоннинг бир-бирининг асарлари тўғрисидаги бу эътирофлари шахсий муносабатлар, ўзаро яқинликка асосланмаган. Улар айна масалада шахсий яқинликдан адабиётни устун қўйишган ва бир-бирларининг асарларига адабиётнинг асл асарлари мезонидан туриб, баҳо беришган.

Асл асарларда шоир, адибнинг ижодкор ва шахс сифатидаги олами намоён бўлади. Айна асарлар улар ижодининг моҳиятини белгилайди. Асл асарларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар турли шаклда, турли кўринишда давом этиб, шоир, адиб ижодидан “қизил ип” бўлиб ўтади. Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикояси ва “Кеча ва кундуз” романи қиёсланганда ҳам айна манзара кўринади. Адибнинг 1923 йилда яратган ҳикояси билан 1936 йилда китоб ҳолида нашр қилинган. “Кеча ва кундуз” романи ўртасида муайян ўхшашлик борлиги яққол сезилади. Бу аввало уларнинг бошланишидан кўринади. Ҳикояда дастлаб Шарофатнинг дугоналари билан тўп ўйнаши тасвирланса, роман “Зеби (Зебиниса)нинг ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушгани, у устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақайларга тала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган”ини маълум қилиш билан бошланади (5, 4). “Қор қўйнида лола” ҳикоясида табиат манзараси чизилиб, воқеалар қайси фаслда кечаётгани эслатилмайди. Лекин эътибор қилинса, воқеа куз, қиш ёки ёзда эмас, баҳорда бўлаётгани аёнлашади. Чунки қишнинг қорли кунлари, узун кечаларида одамлар уйда сиқилиб ўтиради. Баҳор келиб, кунлар илиши билан ҳамма қуёшнинг илиқ нуридан баҳра олиб яйрайди. Бундай пайтда болаларнинг қувончи ичига сиғмай, турли ўйинлар ўйнашади. “Қор қўйнида лола” ҳикояси бошланишида шу тасвирланади. Адиб “баҳор фасли” изоҳ бериб, воизлик қилмасдан воқеаларнинг ўзини кўрсатиб қўя қолади. Яъни замонни образли гавдалантиради. У “Қор қўйнида лола”да замон ва маконни ҳикоя жанри доирасида кўрсатади. “Кеча ва кундуз”да эса воқеалар содир бўлаётган замон ва маконни роман жанри имкониятларидан келиб чиқиб, анча батафсил тасвирлайди. Турли ўхшатиш, истиора, мижозлар, халқона қочиримлардан кенг фойдаланади. Романда чиройли ўхшатиш, теша тегмаган иборалар қўлланиб, Чўлпон қаҳрамонларнинг кечинма, ҳолатлари кишининг

ҳиссиётларига беихтиёр таъсир кўрсатадиган тарзда шоирона услубда ифодаланади: Масалан; “Зебининг юзини шу топда бутун киш ичи тўпланиб қолган ҳорғинликнинг асарлари эгаллаган эди. Унинг иккала юзи, айниқса, кўрпанинг катта-катта қавиғига тикилган андишалик кўзлари ховур босган ойнакнинг бетига ўхшарди. Аксинча, Салтининг юзлари чарақлаган юлдуздай, сернашъа, қувноқ ва ҳар қандай андишадан йироқ бўлиб, кўнглининг чуқур бурчакларидан чиқиб келган соғинч тўлқинларини акс этиради. Шу (нинг) учун у Зебининг сўнг сўзларидаги оғир маъюсликни пайқай олмади. Унинг кўзлари Зебида бўлса ҳам, назарлари бошқа ёқларда эди” дейилади (5, 6). Романда қаҳрамонлар образи худди шу тарзда, турли таққослаш-қиёслаш асосида яратилади.

“Қор қўйнида лола” ҳикояси ва “Кеча ва кундуз” романидаги энг муҳим ўхшашлик улардаги аёллар образида сезилади. Адиб ҳар иккала асарда хотин-қизларнинг эрки, кадри, ҳақ-ҳуқуқлари топталишига эътибор қаратади ва бунинг асосий сабабчиси манфаатпараст, маишатпараст дин аҳллари эканлигини таъкидлайди. Ҳикоя қаҳрамони Шарофатхон ҳам, роман қаҳрамони Зеби ҳам оилада ёлғиз фарзанд. Уларнинг ҳар иккаласи хуснда тенгсиз, баркамол. Аммо улар ўз тенгига эмас, икки-учтадан хотини бор, отасидан ҳам катта кишига узатилади. Шарофатхонинг онаси Қумрибуш ҳам, Зебининг онаси Қурвонбиби ҳам бунга монелик қилишолмайди. Чунки, улар эрига сўзсиз итоат қилишни аёл киши учун муқаддас бурч деб билишади. Бу Шарқда қадимдан аёл эрига итоат этиб, унинг барча истакларини сўзсиз бажариш орқали ҳурматга эришади, деган ақида ҳукмронлик қилгани билан боғлиқдир. Рабиндранат Тҳакурнинг “Хонадон ва жаҳон” романи қаҳрамони “Менинг аёллик қалбим унга сиғинишга, уни иззат қилишга муштоқ эди, холос... Ҳақиқий жойим унинг оёқлари остида эканини ҳис қилганимда ўзимни дунёда энг бахтиёр одам ҳисоблардим” дейди (2, 10-11). Абдулла Қодирий ҳам “Ўткан кунлар” романида Кумушнинг онаси Офтоб оғимнинг портретини чизаркан, унинг “юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган”ини алоҳида таъкидлайди (7, 29). Умуман хотиннинг эрига итоат қилиши унга фазилат бағишлайди. Хотин бўлар-бўлмасга эрига гап қайтариб, у билан баҳслашиб талашишга одатланса, бу, албатта, яхшиликка олиб келмайди. Шарқ аёллари ана шу ҳақиқатни чуқур англайди. Шу боисдан улар эрига ҳурматини ўзининг итоатгўйлигида намоён этади. Шунинг учун Тҳакур, Қодирий қаҳрамонларидаги итоатгўйликни нуқсон, иллат деб тушуниш ярамайди. Уларнинг эрига итоатгўйлиги одатдагидан бошқачароқ маънони билдиради. Шарқ аёлларининг эрига итоатгўйлиги замирида аввало оилага садоқат туради. Аёлнинг эрига итоати оиланинг ҳамжихатлигига асос, пойдевор яратади. Аёлнинг итоатгўйлигини қадрламаган, уни суиистеъмол қилган эркак эса албатта, пушаймон бўлади. Бундай эркаклар одамларнинг ҳам

нафратига учрайди. Чўлпон “Қор қўйнида лола” ҳикоясида Самандар акага тўйдан қайтаётган йигитларнинг “Отасининг уйи куйсун, одам эмас экан!” деган муносабати орқали шу ҳақиқатни таъкидлайди. “Кеча ва кундуз” романида муаллиф Раззоқ сўфининг феъл-атворини тавсифларкан: ”Аёллардан маслаҳат, айниқса, ўз хотинидан бир таклиф эшитмоқ учун Раззоқ сўфининг қайта бошдан бунёдга келиши керак бўларди” дея унинг аёлларга муносабатига алоҳида эътибор қаратади (5. 7). Раззоқ сўфи: “Бу тил доим худонинг зикри билан қалдирайди. Бу оғиз ҳаммавақт худонинг зикрига очилади. Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар. Уларни хотин кишидай паст махлуқлар олдида хор қилинадими ? Бўлмаса ҳақ таолонинг бандалари ит билан гаплаша берсин! Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, у тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади. Вассалом!” дейди.(Ўша манба.10-бет) Аммо хотини ва қизига беписанд қарагани ҳолда, улардан ҳурмат ва сўзсиз итоат қилишини талаб қилади. Рабиндранат Тҳакур эса: “ Ер юзида фақат пасткаш кимсаларгина хотинларидан иззат-икром ҳиссини талаб қилади.” дейди (2, 11). Раззоқ сўфи хотин-қизларга “паст махлуқ” деб қарагани учун хотинини “фитна” деб чақиради. Умуман, ушбу романда персонажларни тавсифлашда уларнинг аёлларга муносабатига алоҳида урғу берилади. Бу хотин-қизларнинг инсоний қадри, шахс сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари топталаётганини очиш “Кеча ва кундуз” асарининг марказий масалаларидан бири эканини билдиради. Ёрқин миллий руҳга йўғрилган ушбу асарда ўзбек халқи тарихининг таназзулга ботган мураккаб даври кенг эпик кўламда гавдалантирилади. Романда мустамлакага айланган Туркистондаги ижтимоий ҳаёт манзараси ҳаққоний чизиб берилади. Маърифатга интилиб, мавжуд ижтимоий турмуш тарзини ўзгартириш ва мустамлакага барҳам бериш “Кеча ва кундуз” романининг асосий ғоясини белгилайди. Бу ғоя бир-бирига ўхшамаган турли характердаги қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари, ички кечинмалари орқали ёритилади. Мавжуд ижтимоий ҳаёт ич-ичидан емирилиб, таназзулга юз тутганини очиб бериш асарнинг асосий мундарижасини ташкил этади. “Қор қўйнида лола” ҳикоясида ўн иккита персонаж бўлса, “Кеча ва кундуз”нинг “саҳна”сида ундан салкам ўн баравар кўп-тўқсондан ортиқ қаҳрамон қатнашади. Энг муҳими ҳикоядаги сингари романда ҳам ҳар бир қаҳрамон ўзига хос қиёфада кўринади. Улар феъл-атвори, дунёқараши эмас, гапириши-нутқига кўра ҳам бир-биридан алоҳида ажралиб туради. “Қор қўйнида лола” ҳикоясининг бош қаҳрамони Шарофатхон бўлса, “Кеча ва кундуз” романининг асосий қаҳрамони Зеби (Зебиниса)дир. Ҳикояда асосий қаҳрамон тўғрисида дастлаб “Тўпни тутиш учун қувалаб бораётган Шарофатхон ҳам қотиб қолди” дейилса, романда бош қаҳрамон “Зеби (Зебиниса)нинг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушган эди” деб таништирилиб, унинг ушбу ҳолатга эътибор

қаратилади: “Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиш билан овора, ўзи кичкина сахни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши Зеби кўнглини бир қур сескантириб олди.” (5, 5).

“Кеча ва кундуз” романининг дастлабки боби 1935 йил “Совет адабиёти” журналининг январь оyi сонида “Ҳамал келди–амал келди” сарлавҳаси билан чоп этилган. Роман: “Ҳар йили бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиклай бошлади. Яна табиатнинг далдираган танларига илиқ қон югурди” деб бошланган ва табиатдаги янгиланиш, ўзгаришлар шоирона услубда чиройли ўхшатиш, ўзига хос сифатлаш, таъсирчан жонлантириш, теша тегмаган иборалар орқали таърифланган. Улар кишида беихтиёр ажиб ҳиссиётлар уйғотиб, тассавурда кўкламнинг ажиб мафтункор манзарасини намоён этади ва бундан кўнгил равшан тортади. Афсуски, айримлар асралардаги табиат манзараси тасвирига унчалик эътибор беришмай, уларга бефарқ қарашади. Аслида ижодкорнинг маҳорати, унинг санъаткорлиги асарнинг айна шу ўринларида намоён бўлади. Чунки ҳар қандай асар қаҳрамонлар портрети, уларнинг ички кечинмаси баёни, мулоқоти ҳамда замон ва макон тасвиридан иборат бўлади. Улар сюжетга сингиган ҳолда асар матнининг асосини ташкил этади. Ҳар бир асарнинг ажралмас таркибий қисми саналган ушбу узвларни аҳамияти жиҳатидан бирини олдинга, бирини кейинга қўйиб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар бири асарнинг зарурий унсури. Айна қисмлар ўзаро бирлашиб, асарга тан ва жон бағишлайди. “Кеча ва кундуз” романида воқеалар кечадиган замон ва макон юксак бадий маҳорат билан тасвирланади. Жумладан, асарда табиат манзараси, ундаги турфа хил ранглар, нур ва соялар ёрқин бўёқларда чизиб берилади. Асарнинг: “Кечаси ташқарига бир қарич қор тушди. Деразаларнинг ойнаклари панжара гулчин сингари ғалати-ғалати нақшлар билан безандилар. Жипс ёпилмайдиган эшикларнинг икки қаноти орасидан совуқ қорнинг заҳарли изғирини кириб, уйларнинг тоқчаларини айланмоққа, унинг совуқ ”ҳув-хувлари” шифт ораларидан эшитилмоққа бошлади. Қалдирғочнинг ташландиқ уясидан чигиртканики сингари ингичка ҳуштак овози чиқарди: изғирин беркиниб олиб, шўхлик қилаётганга ўхшайди!” каби ўринлари шундан далолат беради (5,229).

Романда табиат манзараси тасвири унчалик кўп бўлмаса-да ўз ўрнида берилганидан қаҳрамонлар ҳолати, кечинмаси, воқеалар жараёнини очувчи ўзига хос зарурий воситага айланган. Чўлпон “Устоднинг хислатлари” мақоласида улуғ рус адиби Максим Горький ижоди тўғрисида мулоҳаза билдираркан: “Горький –шоир. Унинг асарларида фақат бир насрчи (романчи) кўринмайди, ҳар ер-ҳар ердан нозик кўнгулли, гўзаллик севгувчи ва табиат мафтунни бир шоир келиб чиқади. Мен ўзим ҳар қандай насрли асарда (роман, ҳикоя) гўзал ташбеҳлар ва табиат тасвирларини яхши кўраман. Горькийда бу нарсалар кўп эмас, оз; унинг ширинлиги ҳам шундан. Улар жуда кўп бўлиб

кетса, рассомнинг санъат асари қолмайди-да, бўёқчи (сирчи)нинг андозасиз ва санъатдан маҳрум чизма чизиғи қолади. Горький ҳар қандай табиат манзарасини жонлантириб, унга жон киритиб, уни кўз олдингизга шундоққина келиб тўқтайдигон қилиб оладир” дейди (4, 70). Чўлпон М. Горькийнинг “Она” романини ўзбекчага ўгирганини ва буни ўзи учун шараф деб билишини таъкидлайди. “Наср тилини тарашлашни мен Горькийдан ўргандим. Унинг “Она” романини таржима қилиш мен учун катта бир мактаб бўлди. Ўзимнинг “Кеча ва кундуз” номли романимда бу буюк услубчининг унумли таъсирини сезиб турдим” дейди. Аёнки, ҳаётдаги ижтимоий- сиёсий ўзгаришлар таъсирида айрим асарларга турли даврларда турлича баҳо берилади. Шўро даврида М. Горькийнинг “Она” романи меҳнаткашларнинг ачинарли аҳволи ҳаққоний ёритилган, ишчилар, деҳқонларни ишлатиб, ҳузур-халоватда яшаётган фабрика, завод эгалари, мулкдорлар қораланган энг яхши асар сифатида машҳур эди, эндиликда ушбу романда илгари сурилган ғоя нотўғри ва зарарли дейилади. Айни чоқда мазкур асарда ҳаёт воқелиги ҳаққоний гавдалантирилгани, қаҳрамонлар қиёфаси, кечинмаси, воқеалар кечаётган замон ва макон санъаткорона маҳорат билан чизиб кўрсатилганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чўлпон бежизга М. Горькийни “катта мактаб эгаси”, “устод” демаган. У бу рус адибини санъаткор сифатида эъзозлагани учун ҳам “Кеча ва кундуз” романининг 1936 йилдаги нашрига М. Горькийнинг “Маърифат чоғиштириб кўрсатиш орқали ҳосил бўлади, бизнинг ҳозирги ёшлар эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан чоғиштиролмайдилар. Улар кечмишни билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очик англаёлмайдилар” деган сўзларини пешсўз сифатида келтирган. Мазкур пешсўзни ҳам, Чўлпоннинг М. Горький тўғрисидаги мулоҳазаларини ҳам турлича талқин қилиш мумкин. Лекин Чўлпоннинг бу улуғ рус адибига эҳтироми самимий экани, М. Горькийнинг мулоҳазаларида ҳам муайян ҳақиқат мавжудлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Чўлпон “Дўхтур Муҳаммадиёр”ни “хаёлий ҳикоя” деган. Асар қаҳрамони Муҳаммадиёрнинг “Туркистоннинг мадраса шогирдлари ҳаётиндан олуб “Умрлик шогирдлар” номли бир роман ёзганини маълум қилиб, бу хусусида “Ушбу роман хаёлий ва йўқдир” деб изоҳ берган. Муҳаммадиёрнинг “Пойтахт меҳмонхоналари” номли бир театру китоби ёзиб, уни русчага таржима қилиб, Петруғрад театрларидан бирида сахнага қўйиб, кўп олқишлар олганини ҳам таъкидлаган. Ҳикоянинг бу каби ўринлари муаллифнинг Муҳаммадиёрни идеал қаҳрамон сифатида кўрсатишни мақсад қилганини билдиради. “Кеча ва кундуз” романида эса адиб мақсадини бу тарзда аниқ ифодаламайди. У ушбу асарида “Қор қўйнида лола” ҳикоясидаги услубига амал қилиб, воқеаларни фақат кўрсатади. “Дўхтур Муҳаммадиёр”даги сингари воқеаларга изоҳ бериб, тушунтирмайди. Романда воқеалар жўнгина баён қилинмасдан: “Бу

куйинишларга Раззоқ сўфи жавоб ҳам бермайди. Индамасдан тескари бурилиб олди. Қурвонбиби сўздан тўхтамай, балки овозини яна ҳам кўтара тушган эди, сўфи ўзининг одатдаги калта сўзларидан биттасини аранг оғзидан чиқарди, лекин чиқарганга яраша биракай қилиб—жаҳл билан, бақириб чиқарди:

–Бўлди, дейман, итвачча!” тарзида таъсирчан ифодаланади (5, 16). Асарнинг бу каби ўринлари романда хотин-қизларнинг аянчли ҳаётини кўрсатиш орқали ижтимоий турмуш иллатларини очиш асосий мақсад қилинганидан далолат беради. Чунки айна мавзу нафақат Чўлпон, балки жаҳид адабиётида асосий ўрин тутади.

“Кеча ва кундуз”да XX аср бошларидаги ҳаёт воқелиги қаламга олинади. Бу романнинг Акбарали мингбоши, Мирёқуб билан боғлиқ ўринларида аниқ аён бўлади. Масалан: “Мирёқуб ерга тушган газетни энгашиб ердан олди-да, қоқиб кўзига суртгач, тўрт буклаб чўнтагига солди... Ёзган одам ўша беркитилган мактабнинг домласи... жаҳид! У аллақачонлар ўз юртига етиб олди, газет бўлса, газетчиси билан бирга Тошкентда... Газет ёзадиганлар, одатда, закунчи бўлади. Жаҳидлар ҳаммаси маҳмадона келади” дейилади (5, 82–83). Чўлпон шеърларида ҳам, “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр”, “Қор кўйнида лола” сингари ҳикояларида ҳам, “Кеча ва кундуз” романида ҳам маънавий қашшоқлик оқибатида туғилган нодонлик ва жаҳолатни кўрсатишни диққат марказига қўяди ҳамда бундай муҳитда маънавий таназул рўй беришини кўрсатади. Акбарали мингбоши сингари амалдорлар хонадонидagi зиддиятга шу мақсадда эътибор қаратади. Раззоқ сўфи каби диндорлар маънавий мажруҳ бўлгани боис мунофиқ, текинхўрга айланганини таъкидлайди. Пошшахон, Султонхон сингари аёллар қадрлари, ғурури топталгани туфайли аламзадага айланганини очиб беради.

Романдаги воқеаларда ўнлаб қаҳрамонлар қатнашса-да, сюжет марказида Зеби, Акбарали мингбоши, Мирёқуб туради. Зебининг қишлоққа бориши, унинг Акбарали мингбошига тўртинчи хотин қилиб олиб берилиши, Акбарали мингбошининг ўлими сюжет асосини ташкил этади. Барча воқеалар шу атрофида кечади. Бу Зеби асарнинг асосий қаҳрамони эканлиги, муаллифнинг асосий мақсади маънавий қашшоқлик муҳитида хотин-қизларнинг аянчли аҳволини кўрсатиш бўлганини билдиради. Адиб Зеби ва унинг онасига меҳр ва ачиниш, Акбарали мингбоши, Раззоқ сўфи, эшонга нисбатан эса нафрат билан қарайди. Унинг бундай муносабати қаҳрамонлар портрети тасвири, уларнинг феъл атвори тавсифи ва хатти-ҳаракатини кўрсатишида аниқ сезилади. Романда асосан мингбошининг хонадони ва Раззоқ сўфининг оиласи билан воқеалар нақл қилинади. Бунда муаллиф кўпроқ аёлларнинг аҳволига эътибор қаратиб, турли характерларни очиб беради. Бўғиқ муҳит аёлларни не кўйларга солиши мумкинлигини кўрсатади. Акбарали мингбошининг хотинлари Хадичахон, Пошшахон, Султонхон бир-бирига: “Қай биримиз бу одамга ўзимиз хоҳлаб

тегибмиз? Ҳаммамизни ота-онамиз биздан сўрамай-нетмай узатган. Бизнинг кўз ёшларимизга ким қараган дейсиз?” дейишади. (5, 44) Муалиф Акбарали мингбошининг портретини тасвирлаганда ҳам, унинг феъл-атворини тавсифлаганда ҳам қора бўёқларни қўллайди. Унинг каби маънавий қашшоқ, калтафаҳм мансабдорлар туфайли миллат таназзулга учраб, Туркистон мустамлакага айланган, демокчи бўлади. Шунинг учун унинг қиёфасини: “Акбарали мингбоши белида кумуш камари, ёнида кумуш сопли қиличи, устида зарбо чопони бўлмаса, ҳеч ким уни амалдор демайди. Оддий кийимда кўрганлар ё оддий бир қишлоқ бойи, ё Еттисув билан алоқаси бор қўйчи, ё бўлмаса, яйлов томон билан иш кўрадиган туячи, деб ўйлайдилар. Чакка суяклар туртиб чиққан, пешона – бўйига тор, энига кенг ва ҳам узун-узун уч чуқур ажинга эга... Бурун ўртача, лекин қаншари паст... Кўз қисилиброқ келган, парда томирларидан икки-учтаси ва ҳам иккала кўзининг бир ёнида жиндак жойи ҳамма вақт қизил, бир кўзида пича шапағлиқ асари ҳам бор... ияк – кенг, жағ – сергўшт. Жуда сийрак бўлган соқол иякнинг ўртасигагина тўпланиб, эчкиники сингари пастга томон сангиллаб тушган. Узиқарароқ (уришқоқ, жанжалкаш) хотин учраб, бир чанг солса, ҳеч нарса қолмайди! Мўйлов ҳам соқол сингари сийрак. Уста Тўхташнинг “асирдийда” дукати (устара) икки кунда бир қириб турганлигидан лаб устидаги калта ва текис бўлса ҳам, умуман, ўзи ярмидан кўпи йиқилган дарахтзор сингари хунук кўринади; икки учида олтитадан ўн иккита узун қил, сичқоннинг думидай ингичка бўлиб пастга чўзилган...” деб киноя, кесатик, ижирғаниш билан чизади. Шахсий манфаатини миллат манфаатидан устун қўйиб, ўз ҳузур-ҳаловати учун бошқаларни эзиш, таҳқирлашдан тоймайдиган бойлар, амалдорлар тўғрисида: “Андижонда Миркомилбой бор. Эшитгансиз? Миллат йўлига бир чақа бермайди. Жоҳил!.. У нима, бир оми эшак-да... Тараққий қилган эмас. Газета ўқимайди” дейди (5, 52-53; 180). Мирқаримбой 1861 йилда туғилган. Шўро ҳукумати 1918 йилда андижонлик бу катта бойнинг мол-мулкани мусодара қилиб, отиб ташлаган. Жадидлар, жумладан, Чўлпон ҳам маҳаллий бойларнинг мустамлакачилар билан бирлашиб, кишиларни эзишидан қаттиқ норози бўлишган. Шунинг учун асарларида, албатта, маҳаллий бойлар, амалдорларнинг расвогарчиликларини кўрсатишган. “Кеча ва кундуз” романида Акбарали мингбоши нодон, жоҳил, маишатпараст мансабдорларнинг, Раззоқ сўфининг пири-эшон эса маҳаллий амалдорларга қуллуқ қиладиган манфаатпараст диндорларнинг умумлашма образи сифатида гавдалантирилган. Маҳаллий амалдорлар, дин пешволари маърифатдан бебахралиги туфайли нодон, жоҳилга айланганини кўрсатиш “Кеча ва кундуз” романининг асосий мундарижасига айланган. Акбарали мингбоши “миллатинг билан ишим йўқ” дейди (5, 208). Биргина шунинг ўзиёқ унинг дунёқараши нақадар торлигини билдиради. Чўлпон “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр”, “Қор қўйнида

лола” ҳикояларидаги каби “Кеча ва кундуз” романида ҳам ўлкадаги барча фожиалар илмсизлик туфайли келиб чиққанини, бунинг асосий сабабчиси мутаассиб диндорлар эканини таъкидлайди. Аммо буни “Дўхтур Муҳаммадиёр”, “Қурбони жаҳолат” ҳикояларидаги каби очиқ-ошкора тарзда айтмасдан қахрамонларнинг мулоқотига сингдириб юборади. Романда Ҳасанов деган бир татар йигити образи бор. Қишлоқ қарз ширкатларининг инспектори Ҳасанов воқеаларда бир ўриндагина иштирок этади. Аммо у замонасининг илғор фикрли зиёлиси сифатида эътиборни тортади. Ҳасанов Акбарали мингбоши сингари амалдорларнинг нодонлиги, одамларнинг дунёқараши торлиги хусусида мингбошининг мулозими Ҳакимжон билан суҳбатлашаркан: “Буларнинг барчаси илмсизлик касофати, Ҳакимжон! Нодонлик меваси. Бу йўғон саллали, бўш каллали ҳайвонлар. Бухорои шарифни спекуляция қилиб, ислом миллатини заҳарловчи микроблар бизни шу ҳолга келтирдилар” дейди (5, 208-209). Мирмуҳсин Шермуҳамедов ҳам 1917 йил “Турон” газетасида эълон қилинган “Тарихий икки воқеа” мақоласида замонавий илмларни ўрганишга тўсқинлик қилган нодон, жоҳил кимсаларни “Бухоро микроблари” деган. У шундай дегани учун мутаассиб диндорлар томонидан сазойи қилинган. Мирмуҳсиннинг ушбу мақоласини эълон қилган газета ёпиб қўйилган. “Кеча ва кундуз”даги татар йигити Ҳасановнинг сўзлари шу тарихий воқеага ишора қилинади. Романда мингбошининг мулозими Ҳакимжоннинг қарашларида ҳам шу илғор фикрли зиёли таъсирида янгича ўзгаришлар рўй бергани: “ Ўз мингбошисининг ишларига қараб, ҳамма мингбошилар ва умуман, шу замон ҳокимияти тўғрисида кўп ҳам яхши фикрда бўлмаган Ҳакимжон шу суҳбатдан сўнг ўзининг хом ва чувалашган фикрларини пишитди, бир орага йиғди, бошидаги фикрлар бир тартиб доирасига тушиб, янги –янги пардаларни унинг миясидан сидира бошлагач, ўзида аллақандай бир ўзгариш бўлаётганини ўзи ҳам сизди: ўша кундан бошлаб, унинг ҳамма нарсага қараши бошқа бўлди! Мингбоши – бурунги мингбоши эмас, фарсахларча (7-8 километрга тенг масофа) йироқда... Ҳар бир катта саллалик домла беморга заҳар бераётган табиб... Ҳар бир бошини қуйи солган эшон – одамларнинг киссаларига яширинча қўл узатган киссавур...” дея қайд қилинган (5, 209).

Кишилар азалдан амалдорлар, дин аҳлларини бўлакча одамлар деб билишиб, уларга итоат этиб эргашишган. Чунки улар бошқаларга қараганда кенг дунёқарашли, мулкдор, бой бўлишган. Лекин ўз манфаатидан бошқаларнинг манфаатини устун қўйишган. Улар ҳамманинг тинч–хотиржам, бадастур ҳаёт кечириши учун қайғуришган. Чунки улар инсон ҳаётининг асл маъноси шунда эканини англашган. “Кеча ва кундуз” романидаги Акбарали мингбоши сингари мансабдорлар эса барча замонларда татар йигит Ҳасанов тўғри таъкидлаганидек, маърифатдан бебаҳралиги, илмсизлиги туфайли нима қилиб бўлса-да, амал

курсисини сақлаб туриш, шу орқали бойлигини орттириб, маишат қилиб яшашни ўйлашади. Акбарали мингбоши газета ўқимаслиги билан мактанади. “Қурбони жаҳолат” ҳикоясида Эшмуроднинг мингбошига газета ўқиб бергани, чунки унинг ўзи газета ўқиёлмаслиги, газета ўқийдиганлар кофирга чиқарилиши эслатилади. Романда ана шундай бўғиқ муҳитдаги ачинарли аҳвол кенг кўламда кўрсатилади. Ундаги Акбарали мингбоши, Раззоқ сўфининг қилиқлари, хатти – ҳаракатлари нафрат, айни чоқда уларга нисбатан ачиниш ҳиссини ҳам уйғотади. Уларнинг ҳаётга қарашлари, қилган ишларида кишини жиркантирадиган талайгина жиҳатлар бўлса-да, Акбарали мингбоши ҳам, Раззоқ сўфи ҳам бутунлай ваҳший эмас. Ҳар иккаласи бўғиқ муҳитда яшаб ўсгани туфайли феъли, дунёқараш торт, аёлларга беписанд қараб улғайган. Хотин-қизларга паст назар билан қараш уларнинг бутун вужудига сингиб кетган. Улар бунинг тўғри-нотўғрилиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган.

“Кеча ва кундуз” романида Акбарали мингбоши ҳамда мустамлакачи амалдорлар оилавий ҳаётидаги зиддиятларни кўрсатиш асосий ўрин тутаяди. Чўлпон унда ҳақ-ҳуқуқи топталган хотин-қизларнинг аламзадалиги, таҳқирланган ғурурини қондиришга уринишларига эътибор қаратиб, инсонни, у ким бўлмасин, зўрлик, кўрқитиш билан енгиб бўлмаслигини таъкидлайди. Акбарали мингбошининг уч хотини бор. У хотинларига “ҳамманг бир қора мўйимга арзимайсан” дейди. (Ўша манба. 81-бет. Акбарали мингбоши маънавий қашшоқ бўлганидан хотинларини таҳқирлаётганини ва бу шариатга ҳам, одамгарчиликка ҳам зид эканини фаҳмламайди. Гарчи у ҳаммага беписандлик билан дағал муомала қиладиган кўрс, кўпол киши бўлса-да, аммо унда инсоний ҳиссиётлар тамоман тугаб битмаган. Акбарали мингбоши фарзандсизлиги тўғрисида, мол-давлати кимга мерос бўлиб қолиши ҳақида ўйлаб эзилади. Романда унинг бу ҳолати: “Бир нойиб тўраникида (уезд ҳокимининг ўринбосариникида) ичкилик қилиб ўтиришган эдилар, ичкилик қўйилмасдан олдинроқ нойибнинг онаси ўз неварасини олиб кириб қолди. У–тилла сочли, тарвуздай думалоқ, ўзи лўппигина ва оппоқ момикдай бир бола эди. Мингбоши дарҳол болани кўлига олди ва ўз ақидасича “кофир”нинг ва “ўрис”нинг боласи эканига қарамай, маҳкам бағрига босиб ўпди... Бола мингбошининг башарасидан кўрққан бўлса керак, жон аччиғида йиғлай бошлаган эди, болани олиб чиқиб кетдилар. Шундан сўнг мингбоши устма-уст қуйиб ича берди, ича берди, ича берди... Мирёқубнинг имолари, ишоралари, уй эгаларига эшиттирмай қилган танбеҳлари, ҳатто, дўқлари ҳеч бир таъсир қилмади. Мингбоши тамом маст бўлгач, “болани олиб келинлар” деб сўради. Боланинг онаси бу бадмаст одамга ўз тўқлисини бермоқ истамас эди. Ниҳоят, мингбоши ялиниб-ёлвориб сўрамоққа мажбур бўлди. Ҳатто, кўзларига ёш олди....” деб кўрсатилади (5, 55 -56).

Чўлпоннинг мазкур романи инсон дунёси мураккабликларини, қаҳрамонларнинг турли хил кечинмалари, уларнинг ўз-ўзи билан ички мунозарасини очиши жиҳатидан Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарларидан жиддий фарқ қилади. “Кеча ва кундуз”да ҳаёт ҳодисалари ва инсон образи теран реалистик тасвирланади. Унда жаҳон, хусусан, рус адабиётидаги реалистик асарларга хос муҳим хусусиятлар яққол сезилади. Адиб Зеби, Акбарали мингбоши, Мирёқуб, Раззоқ сўфи каби қаҳрамонларнинг турли ҳолатларини ҳаққоний ва таъсирчан гавдалантиради. Романдаги қаҳрамонлар ўзининг инсоний қиёфаси билан киши эътиборни тортади. Чўлпон улар тимсолида ҳар бир одам мураккаб олам экани, ҳар бир кишининг ўзига аяраша дарди, ташвиши, муаммоси борлигини очиб беради. Зеби, Акбарали мингбоши, Мирёқуб, Раззоқ сўфининг турли кечинмалари таъсирчан ифодаланиши Чўлпоннинг инсон руҳиятини теран ҳис қилишини намоён этади. Адиб Акбарали мингбошига салбий муносабатини яширмагани ҳолда, унинг инсон сифатидаги оламини ҳаққоний гавдалантиради. Акбарали мингбоши сингари кишиларни нодонлик ва жаҳолат муҳити шундай аҳволга солгани тўғрисида ўйлантиради. Чунки ҳар бир кишига у яшаган ижтимоий муҳит жуда катта таъсир кўрсатади. Инсоннинг диди, дунёқараши, ҳаёт тўғрисидаги тасаввури бевосита ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Ижтимоий муҳитга хос умумий қарашлар, айниқса, ундаги иллатлар кишиларнинг онгига беихтиёр сингийди. Акбарали мингбошининг онги у яшаётган жамиятда ҳукмронлик қилган иллатлардан заҳарланган. Акбарали мингбошининг газета ўқимаслигини ғурурланиб айтиши ёки “Қурбони жаҳолат” ҳикоясида газета ўқишни билмайдиган мингбоши борлиги бежизга таъкидламайди. Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар” асарида ўша давр ижтимоий ҳаёти ҳаққоний ёритилган. Унда амир саройида турли мансабларга тайинланган, амалдорларнинг, таъмағирлиги фош этувчи ўтқир ҳажвий шеърлар ёзган шоир Мирзо Ҳайит Саҳбони қушбеги, яъни бош вазир ўз ҳузурига чақириб, унинг газета ўқишини баҳона қилиб танбех бергани ва бундан сўнг газета ўқимаслик учун ундан тилхат олгани ва бу воқеа 1915 йилда бўлиб ўтгани баён қилинган (1, 26). “Кеча ва кундуз” романидаги воқеалар айтилиши шу йилларда кечади. Бошқа асарларда ҳам янги усулдаги мактабларда ўқиганлар, замона янгиликларига интиланлар турли қаршилик, тазйиқларга учрагани қайд қилинган. Акбарали мингбоши ҳаёт эскича тарзда давом этишидан манфаатдор. Шунинг учун мактаблар очилишига тўсқинлик қилади. Чор маъмурларининг кўрсатмаларини бажариб, ўшаларга ёкиш учун ўлиб-тирилади. Романда унинг амал-мансабини сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари ҳаётий гавдалантирилади. Акбарали мингбоши характеридаги калтабинлик, дағаллик, кўрслик ишонарли кўрсатилади.

Романда Акбарали мсинбоши сингари кишилар ўзи ҳеч нарса қилолмаслиги, улар Мирёқуб сингари устамонларга суяниб, мақсадига эришиши очиб берилади. Мирёқуб билан боғлиқ воқеаларда ижтимоий воқелик мураккабликлари теран акс эттирилган. Мирёқуб Акбарали мингбоши сингари жоҳил, қўрс эмас. У замона ўзгаришларига мослашишга интилади. Ўзи яшаётган муҳит ич-ичидан чириб битганлигини сезади. Акбарали мингбоши сингари маҳаллий амалдорларнинг аҳмоқлиги, дунёқараши беҳад торлигини жуда яхши билади. Чор маъмурларининг ҳам Акбарали мингбошидан баттар эканига гувоҳ бўлади. Бундай расво, чиркин муҳитдан бош олиб, чиқиб кетиш зарурлигини ўйлаб, изтироб чекади ва охирида уни тарк этади. “Қурбони жаҳолат” ҳикояси қаҳрамони Эшмуроднинг ҳам “Жаҳолат ва нодонликнинг уяси бўлган ҳовлисидан қочуб, бошқа шаҳарга ўқушга кетиш” тўғрисида ўйлаб эзилиши, (1,. 269). Муҳаммадиёр (“Дўхтур Муҳаммадиёр”) ҳам “жаҳолатга қаршу тўп, милтиқ, тўппонча, ханжар, ўқ дору ёлғуз – ўқув, ўқув, ўқув” деб, минг бир машаққат билан чет элга йўл олгани таъкидланади. (Ўша манба. 272-бет.) “Кеча ва кундуз”да Мирёқуб образида адиб ана шу икки қаҳрамонини янада кучайтиради. Мирёқуб ҳам худди Муҳаммадиёр ва Эшмурод сингари нодонлик ва жаҳолатга ботган муҳитга сингишиб кетолмайди. У ўзини ўзи суд қилади. Обдон гуноҳга ботганини тан олади. Айбдор эканини ҳис қилганидан кетаётганида ухлаб ётган болаларини ўпишга ҳам ўзини ҳақсиз деб билади. У бу хусусда: “Хотиним ичкарини супураётган эди. Кўзига қарадим, туни билан ухламагани кўринади. Мен ҳам туни бўйи ухлаёлмай чикдим... Илон кирган эди қўйнимга! Илонни ўпган ҳаром лабларим билан ухлаб ётган болаларимни ўпай деб қуйига эгилдим, кўнглим чидамади. Кўрпанинг қирғоғини ўпдим. Хотиним кўриб турган эди. “Бу одам биздан кечиб кетаётганга ўхшайди. Ҳатто, ўз болаларини ҳам ўпкиси келмайди” деб ўйлагандир, тўлиб-тошиб йиғлагандир. Бечора хотин билмайдики, болаларимни ўпмаслигим уларни севганлигимдан эди” дейди. (Ўша манба. 169-бет.) “Газет ўқийтирган бита муллабаччани мадрасадан расво қилиб ҳайдашгани, бойларнинг уларни “тирранчалар”, “ҳаромилар” деб ҳақорат қилиши ҳам Мирёқуб яшаган муҳит ғоят чиркин эканини билдиради (1, 176).

Мирёқуб ҳам худди “Қурбони жаҳолат”даги Эшмурод, “Дўхтур Муҳаммадиёр”даги Муҳаммадиёр сингари ўзи яшаб турган муҳит тўғрисида мушоҳада юритади. Эшмурод ва Муҳаммадиёр ўзи билан мунозара қилиш билан чекланса, Мирёқуб ҳаётдаги мавжуд муаммолар тўғрисида бошқалар билан ҳам фикрлашади. Ўзининг ўйлаганларини уларнинг мулоҳазаларига қиёслаб, таҳлил қилади. Мирёқуб шу жихати билан ҳикоялардаги қаҳрамонлардан устун туради. “Кеча ва кундуз”да Мирёқубнинг хатти-

ҳаракатлари, ўй-кечинмалари кенг кўрсатилади. У романдаги асосий образлардан бири саналади.

Мирёкуб зиддиятли ички кечинмалари билан ўзига хос образ саналади. Албатта, романда Акбарали мингбоши, Зеби, Раззоқ сўфи, мингбошининг хотинлари, Мария (Марьям) каби қаҳрамонларнинг ҳам ўй-кечинмалари берилди. Лекин уларнинг ўй-кечинмалари шахсий ҳаёти билан чекланади. Мирёкубнинг қарама-қаршиликларга тўла кечинмаларида эса чиркин муҳитнинг зиддиятли муаммолари акс этади. У ўзининг қилмишлари ҳақида ҳам, тевақатрофида кечаётган воқеалар тўғрисида ҳам танқидий фикр юритади. Мирёкуб жаҳид билан суҳбатлашганидан кейин “Кўзим очилди... мен ҳам тараққий қилиб қолдим” дейди. Жаҳид унга: “Сиз-биз соғин сигирмиз, бизнинг ширин сутимиз бор, руслар ва бошқа ажнабийлар “бизни” эмиб ётадилар” деб тушунтиради. Шу пайтгача “империя” нима эканлигини билмаган Мирёкубнинг дунёқарашида жаҳид йигит билан суҳбатлашганидан кейин янгиланиш бошланади. У жаҳид йигитнинг “Динли бўлиш либосга қарамайди. Бизнинг жоҳил уламо кимнинг салла-чопони бўлса, “мусулмон” дейди. Ҳолбуки, мусулмонлик кийимда эмас, қалбда, дилда” дегани айни ҳақиқат эканини англайди. Романда Мирёкубнинг изтироблари ҳам худди Зеби, Султонхонинг кечинмалари ҳам сингари мавжуд қарама-қаршилиги билан қаламга олинади. Улар ўзининг психологик теранлиги билан китобхонни тўлқинлантириб юборади. Умуман, “Кеча ва кундуз”да қаҳрамонларнинг руҳияти, ундаги зиддиятли кечинмалар жуда ишонарли очиб берилди ва бу уларга алоҳида жозиба бағишлайди. Ушбу асар ҳаёт ҳодисаларини ҳаққоний акс эттириши, қаҳрамонлари дунёсини таъсирчан гавдалантириши билан ўзбек адабиётини, ундаги роман жанрини юксакликка кўтарган ва унинг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айний С. Асарлар: Саккиз томлик. 6-том.—Т., 1965.—240 б.
2. Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 3-том. Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961—400
3. Фитрат А. Танланган асарлар. Ж. IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар.—Т.: ”Маънавият”, 2006.—336 б.
4. Чўлпон. Адабиёт надир.—Т.: Чўлпон”, 1994.—240 б.
5. Чўлпон. Асарлар: Уч жилдлик. Ж.2. Роман. Ҳикоялар. Сафарнома. Таржималар.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.—472 б.
6. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.—Т.: ”Шарқ”, 2004.—640 б.
7. Қодирий А. Ўткан кунлар.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.—400 б.
8. Қодирий А. Диёри бакр: Шеърлар, ҳикоялар, сахна асарлари, хангома, фелъетон ва мақолалар. —Т.: “Янги аср аводи”, 2007—472 б.